

АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ХАЛҚАРО АУДИТ СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

Муйдинов Э.Ж.

Тошкент молия институти, и.ф.н.доцент

E-mail: emuydinov@list.ru

АННОТАЦИЯ

Уибү мақолада тадбиркорлик субъекти томонидан Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлариға мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботини Аудитнинг ҳалқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиши жараёнида муҳим масалалардан бўлган аудитор хулосасини асослаш учун зарур бўлган аудиторлик далилларини йиғиши ва уларни ўрганиши услубиётини ёритиши мақсад қилиб олинган.

Калим сўзлар: аудиторлик далиллари, ташқи далил, ички далил, оғзаки далил, хужжат билан расмийлаштирилган далил, бирламчи далил, иккиламчи далил, ташқи тасдиқномалар, ёзма баёнотлар, таҳлилий-тартиб тамойиллар, эксперт ишидан фойдаланиши

ABSTRACT

The purpose of this article is to collect audit evidence necessary to substantiate the auditor's conclusion on important issues in the process of auditing financial statements prepared by an economic entity in accordance with international financial reporting standards, and to highlight the methodology of their study.

Keywords: audit evidence, external evidence, internal evidence, oral evidence, documented evidence, primary evidence, secondary evidence, external confirmations, written statements, analytical procedures, use of expert work.

КИРИШ

“Аудиторлик далиллари” деб номланган 500 сонли Аудитнинг Ҳалқаро Стандартига кўра, аудиторлик далили – аудиторлик фикри учун асос бўлган ҳулосаларга эришишда аудитор томонидан фойдаланилган маълумотдир.

Аудиторлик далилларининг таснифи ва уларни йиғиши усуллари асосан АХС 500- Аудиторлик далиллари; АХС 501- Аудиторлик далиллари- муайян моддаларни махсус кўриб чиқиш; АХС 505- Ташқи тасдиқномалар; АХС 520- Таҳлилий тартиб-таомиллар; АХС 580- Ёзма баёнотлар каби аудитнинг ҳалқаро стандартларида баён қилинган. Бироқ , номлари келтирилган аудитнинг ҳалқаро стандартларидан ташқари яна бир қатор АХС ларда ҳам мазкур масала юзасидан кўрсатмалар мавжуд. Етарлича тегишли аудиторлик далиллари олинганда, аудитор томонидан эътиборга олинадиган товар-моддий

захираларнинг муайян жиҳатлари, тадбиркорлик субъекти иштирок этувчи суд жараёнлари ва даъволар ҳамда сегментлар хусусидаги маълумотларга доир масалалар кўриб чиқиш учун “Аудиторлик далили-муайян моддаларни маҳсус кўриб чиқиш” деб номланган 501 сонли Аудитнинг Халқаро Стандартида баён қилинган.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Аудиторлик далилларини моҳияти, уларнинг турлари ҳамда уларни йиғиш усууллари аудит назариясини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшган йирик олимлар Дж.Робертсон, Э.А.Аренс, Р.Додж, А.Д.Шеремет, Соколов Я.В, Суйц В.П, Р.Д.Дўсмуратовларнинг илмий ишларида атрофлича кўриб чиқилган. Суйц В.П.нинг фикрича, аудиторлик далиллари - бу аудит давомида аудитор томонидан тўпланган ва аудиторлик хulosаси учун асос бўлиб хизмат қиласиган маълумотлардир (6.152 б). Далил дейилганда, Дўсмуратов Р.Д. нинг таъкидлашича бошқа фактнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки инкор қиласиган факт, ёки мазкур факт ҳақида у ёки бу даражадаги ишончлилик билан фикр шакллантиришга имкон берадиган, маълум факт тўғрисида маълумотлар олиш жараёни тушунилади (3.139 б).

Аренс Э.А нинг ёзишича, аудит жараёнида у ёки бу йўналишдаги фикрини асослаш учун далилларнинг қуийдаги еттига тоифасидан фойдаланиши мумкин: ҳақиқий назорат; тасдиқлаш; хужжатлаштириш; кузатиш; арифметик текширув; таҳлилий тадбирлар (2.175 б).

Америкалик олим Дж.К.Робертсон “далил”га аудиторнинг фикрига таъсир кўрсатувчи ва қарор қабул қилишида аҳамиятга эга бўлган ахборот сифатида қарайди ва аудиторлик далилларини йиғиш усуулларининг қуийдаги тартибини келтиради: аудитор томонидан қайта ҳисоблаш; кузатиш ва текшириш; хужжатли тасдиқлов; оғзаки сўров ва ёзма тасдиқлов; хужжатларни текширувдан ўтказиш; сканлаштириш; таҳлилий тадбирлар (5.119 б).

Рой Доджнинг илмий ишларида аудиторлик далилларни йиғишнинг манбалари бўлиб қуийдагилар ҳисобланиши қайд этилган: ҳисоб тизими; тасдиқловчи хужжатлар; моддий активлар; маъмурият ва корхона ходимлари; мижозлар, мол етказиб берувчилар ва учинчи шахслар (6.102 б)

“Аудиторлик далиллари” деб номланган 500-сонли аудитнинг халқаро стандартига кўра аудитор аудиторлик текширувига тақдим қилинган молиявий ҳисобот тўғрисида асосланган фикр айтиш учун аудитор етарли миқдорда хужжатли далил йиғиши лозим (1.4). Хужжатли далил деб - текширув жараёнида аниқланган ва инкор қилиб бўлмайдиган даражада тасдиқлов кучига

эга бўлган сифатли маълумотларга айтилади. Исботлов кучига эга бўлиши учун маълумотлар ҳақиқий, воқеликка тегишли ва етарли миқдорда бўлиши лозим.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолани ёзиш жараёнида муаллиф томонидан масалани тадқиқ қилишнинг бир қатор усулларидан фойдаланилди. Жумладан, аудит назарияси соҳасида танилган ўзбек, рус ва хорижий олимларининг мазкур йўналишдаги фикрлари чукур ўрганиб чиқилди, улар умумлаштирилди, гурухлаштирилди ва мантиқий таҳлил қилинди. Ундан ташқари муаллиф амалиётчи аудитор сифатида миллий ҳамда халқаро аудиторлик фирмалари томонидан аудиторлик далилларини йиғишнинг амалиётда қўлланилаётган усуллари ўрганиб чиқилди.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Аудитор етарли даражада тегишли аудиторлик далилларини тўплаш учун шароитга мос келадиган тегишли аудиторлик процедураларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак (A1 - A25-бандларга қаранг).

Аудиторлик далилининг сифати улар олинган манбага бевосита боғлиқ бўлади. Аудиторлик далилларини шакллантириш учун қуйидагилар манба бўлиб хизмат қилиши мумкин:

- дастлабки хужжатлар
- бухгалтерия ҳисоби регистрлари;
- молиявий ҳисоботлар;
- молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили натижалари;
- инвентарлаш натижалари қайд этилган хужжат
- компания ходимларидан олинган ёзма ва оғзаки тасдиқловлар;
- компания лабораторияси тақдим қилган хужжатлар;
- хуқуқ тартибот ва солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширув далолатномалари;
- ички ва ташқи аудиторларнинг ҳисоботлари;
- таъсис хужжатлари, йиғилиш баённомалари, буйруқлар...

Аудитор нотўғри хулоса чиқариб қўйиш хавфини камайтириш учун ўз фикрларни бир неча манбадан олган маълумотларга асосланиб шакллантириши лозим. Агар бир манбадан олинган далиллар бошқа бир манбадан олинган маълумотларга мос тушмаса, ёки уларни инкор қилса аудитор ўз изланишларини чукурлаштириши ва бу воқелик бўйича юзага келган шубҳани бартараф қилишга имкон берувчи далилларни излаб топиши лозим. Ушбу далиллар аввал айтиб ўтганимиздек воқеъликка мос ва етарли ва сифатли бўлиши лозим. “Етарлилик” аудиторлик далилининг миқдор мезони бўлиб

ҳисобланса, "мос тушиш" тушунчаси далилни ишончлик даражасини белгилайди.

Аудиторлик далилиниң сифатига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатиши мумкин:

а) ёлғон ахборот бериш таваккалчилигининг даражаси.

Бу таваккалчилик қуйидагилар таъсири остидаги юзага келиши мумкин:

- модданинг моҳияти;
 - ички назоратнинг холати;
 - компания томонидан бажарилаётган тадбирларнинг моҳияти;
 - раҳбариятга таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган холатлар;
 - корхонанинг молиявий холати;
- b) модданинг молиявий ахборотдаги моддийлик даражаси;
- c) илгариги аудиторлик текширувларида ортирилган тажриба;
- d) аудиторлик текшируви натижалари, аниқланиши мумкин бўлган алдов ва хатоликлар;
- e) ахборотнинг тури

Мана шу омилларнинг таъсири канчалик кучли бўлса аудиторлик далилиниң тасдиқлов кучи шунчалик паст бўлади ёки аксинча.

Текширув натижасида олинадиган аудиторлик даллилларини маълум белгиларга кўра гурухларга ажратиш мумкин. Масалан:

1.Олинган манбанинг жойига караб

- а) ташки далил;
- б) ички далил

Ташки далилни олиш учун аудитор мижоз билан келишган ҳолда у билан аудиторлик текшируви ўтказилган даврда иқтисодий муносабатларни олиб борган банк муассасалари, суғурта компаниялари, буюртмачилар, мол етказиб берувчилар ва бошка дебитор ва кредиторларга мурожаат қиласи ва маълум воқеликни юзага келган ёки келмаганлиги ҳамда унинг миқдор ёки қиймат даражаси тўғрисида ёзма ёки оғзаки тасдиқлов олади.

Компаниянинг ичидаги олинган далил ички далил бўлиб ҳисобланади. Ички далил ҳам ким томонидан тайёрланганлигига қараб икки гурухга бўлинади:

- а) аудиторнинг ўзи аниқлаган далил;
- б) компания томонидан тақдим қилинган далил

"Аудиторлик далиллари" деб номланган 500 сонли Аудитнинг Халқаро Стандартига кўра воқеликни моҳиятини очиш нуқтаи назаридан ташки далил ички далилга нисбатан, аудиторнинг ўзи аниқлаган далил эса корхона томонидан тақдим қилинган далилга нисбатан ишончлироқ ҳисобланади.

2.Фойдаланишда мақсадга мувофиқлигига қараб:

а) хужжат билан расмийлаштирилган далил;

Бунда воқелик инкор қилиб бўлмайдиган хужжатлар билан тасдиқланган бўлади. Масалан, дастлабки бухгалтерия хужжатлари, ҳисоб регистрларидағи ёзувлар, асосий воситалар ва моддий қийматликларни йўқлама қилиш қайдномалари, корхона лаборатория-сининг техник таҳлили маълумотлари вхк.

б) оғзаки далил

Бунга корхона раҳбарияти ёки моддий жавобгар шахслар томонидан компаниядаги мавжуд хатолик ва қонунбузарлик ҳолатлари тўғрисида берилган маълумотлар киради. Бундай маълумотларга эга бўлгач, аудитор уларнинг тўғрилигини текшириб чиқади, тасдиқловчи хужжатлардан нусха олади ҳамда уларни тўғрилаш қонунга ҳилоф бўлмаса ҳисоб регистрлари ва молиявий ҳисботдаги ёзувларга ўзгартириш киритишни таклиф қиласи.

Аҳамиятига кўра хужжат билан расмийлаштирилган далил оғзаки далилга нисбатан ишончлироқ бўлади.

3.Воқеъликка яқинлик даражасига кўра:

а) табиий далил

Бунда воқеълик ва уни тасдиқловчи далил устма-уст тушади. Мисол учун аудиторнинг ўзи компаниянинг моддий қийматликлар сақланувчи омборини текширувдан ўтказади ва уларнинг ҳолати тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлади.

б) сунъий далил

Бунга амалга ошиб бўлган хўжалик муомилалари, юзага чиқсан воқеълик тўғрисида йифилган далиллар киради. Мисол учун маҳсулотларни етказиб бериш ёки сотиш жараёнини акс эттирган хужжатларни текшириш натижасида олинган далиллар. Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор ўрганадиган хужжатларнинг аксарияти шу тоифага таълуқли бўлади.

в) мантикий далил

Тажрибали аудитор ашёвий далиллар билан тасдиқланмаган воқеъликни мантиқан таҳлил қилиб чиқиб унинг тўғрисида ўз хulosасини юзага келтириши мумкин.

Аудиторнинг хulosасига таъсир кўрсатиши бўйича аҳамият даражасига кўра аввал табиий, кейин сунъий ва сўнгидаги мантикий далиллар келади. Демак мантикий далилларга асосланиб хulosса чиқарилганда аудит таввакалчилиги жуда юқори, сунъий далиллар қўлланилганда камрок, табиий далиллардан фойдаланилганда эса минимал даражани ташкил қиласи.

4.Аниқлик даражасига кўра

а) бирламчи далил

Бирламчи хужжатларга асосланган ёки бевосита аудиторларнинг ўзлари, ҳамда унинг иштирокида амалга оширилган ҳисоб - китоблар, харакатлар натижасида олинган далил. Масалан корхона кассасидаги пуллар ва хужжатларни, омбордаги асосий воситалар ва моддий кийматликларни йўқламадан ўтказиш натижасида олинган далил.

б) иккиламчи далил

Бирламчи хужжатлар топилмагандан уларнинг нусхаларига асосланиб олинган далил. Лекин бу холда аудитор хужжатнинг хақиқий нусхасини топишга ёки нусхадаги маълумотларни учинчи шахслардан тасдиқлаб олишга харакат қилиши лозим.

в) эгри йўл билан ёки ўзга манбага асосланиб олинган далил

Бу холат воқеъликни содир бўлганлиги тўғрисида бевосита унга тегишли бўлган бирламчи ёки иккиламчи хужжатларнинг йўқлиги шароитида бошқа манбаларга асосланиб хulosага келинганда юз беради.

Олинган далилларнинг тўликлиги ва аниқлиги аудиторни уларга эришиш усулларидан фойдалана олиш даражасига боғлиқ. Аудит амалиётида кўрсатилаётган хизматнинг мақсади ва назоратдаги объектнинг хусусиятларига кўра аудиторлик далилларини олишнинг бир қатор усуллари қўлланилади. Ушбу усулларни улардан фойдаланилганда ишончли далил бера олиш даражасига кўра қуидаги гурухларга ажратиш мумкин.

А.Биринчи даражали ишончга эга бўлган далиллар олишга имкон берувчи усуллар

Буларга аудиторнинг ўзи амалга ошириши ёки бу жараёнда бевосита иштирок этиши ва натижада яққол кўриниб турган ҳамда эътиrozга ўрин қолдирмайдиган далилларга эга бўлиш имконини берувчи усуллар киради. Бунга қуидагиларни мисол қилиш мумкин:

- ◆ расман текширув;
- ◆ қайта ҳисоблаш;
- ◆ кузатув;
- ◆ бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисбвароқлари боғланишининг тўғрилигини текшириш
- ◆ воқеликка хуқуқий баҳо бериш

Расман текширув- бу усулнинг мақсади хужжатларни расмийлаштиришда ва уларнинг реквизитларини тўлдиришда йўл қўйилган камчиликларни, хужжатларда келишилмаган тўғрилашлар, бўяшлар, матн ва

рақамларга қўшиб қўйишлиар мавжудлигини ҳамда мансабдор шахсларнинг имзоларини хақиқийлигини аниқлашдан иборат.

Бу усулни қўллаганда аудитор қонунбузарлик ва существо мол қилиш ҳолларидан далолат берувчи қуйидаги белгиларга эътиборини қаратиши лозим:

- ижро хужжатида ушбу муомилани амалга оширишга асос бўлувчи кўрсатманинг йўқлиги;
- хужжатни белгиланган шаклга хилоф равишда тузилганлиги;
- хужжатдаги айрим реквизитларни тўлдирилмаганлиги;
- хужжатдаги айрим реквизитларни бир-бирига мос эмаслиги ;
- хужжатда раҳбар шахслар имзоларининг йўқлиги ёки уларда ушбуга хуқуқи бўлмаган шахсларнинг имзоларини мавжудлиги;
- хужжатда унга зарур бўлган иловаларнинг йўқлиги;
- асосий хужжат ва иловалардаги якуний суммаларни бир биридан фарқ қилиши;
- хужжатда келишилмаган ўзгартиришлар, бўяш ва имзоларни қалбакилаштириш ҳоллатларининг мавжудлиги.

Қайта ҳисоблаш - бунда аудитор текширувга жалб қилинган дастлабки ва ийғма хужжатлар, ҳамда уларга бириктирилган иловалардаги мавжуд ҳисоб китобларда арифметик амалларнинг бажарилишини тўғрилиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқади ва зарур бўлса уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича компания раҳбариятига тавсиялар тақдим этади.

Бироқ аудиторлик текшируви жараёнида компаниянинг барча хужжатларни арифметик текширувдан ўтказиб чиқишининг иложи йўқ. Аммо, аудиторга бу усулни касса ва банк муомалаларини, ишчи ва ходимлар, ҳамда ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишларни текширувдан ўтказаётганда қўллашни маслахат берамиз. Чунки амалиёт кўрсатишича қўпроқ мана шу йўналишларда йўл қўйилган арифметик хатоларнинг аксариятида қонунбузарлик ва хизмат вазифасини суюстемол қилиш воқелиги ётади

Кузатиш- қузатув бошқалар томонидан амалга оширилаётган жараённи ёки тартиб-таомилни кузатишни, масалан тадбиркорлик субъектининг ходимлари товар-моддий захираларни санашининг ёки назорат фаолиятларини амалга оширишининг аудитор томонидан қузатувини қамраб олади. Бу эса компаниянинг мол-моддий қийматлари, асосий воситалари, пул маблағлари ва ҳисоблашишларининг мавжудлиги, сақланиши ва ҳолати тўғрисида аниқ далил олиш имконини беради.

“Аудиторлик далили-муайян моддаларни маҳсус кўриб чиқиш” деб номланган 501 сонли Аудитнинг Халқаро Стандартининг 4-бандига кўра агар

товар-моддий захиралар миқдори молиявий ҳисобот учун муҳим бўлса, аудитор товар-моддий захираларнинг мавжудлиги ва ҳолати хусусида етарлича тегишли аудиторлик далиллари олиши лозим. Буни аниқлашнинг энг яхши усули бу мижоз компания ходимлари томонидан компания мулкини инвентарлаш амалга оширилаётган жараёнда қатнашишdir. Аудитор товар-моддий захиралари амалдаги қолдиқларининг инвентаризацияси пайтида (агар бу мумкин бўлса), қўйидагиларни бажариш учун, иштирок этиши мумкин:

- (i) тадбиркорлик субъекти раҳбариятининг йўриқларини ҳамда тадбиркорлик субъекти товар - моддий захираларининг амалдаги қолдиқларини инвентаризация қилиш натижаларини ёзиш ва назорат қилиш учун қўлланиладиган амалларини баҳолаш;
- (ii) тадбиркорлик субъекти раҳбарияти инвентаризацияни ўтказиш учун белгилаган тартиб-таомилларнинг бажарилишини кузатиш;
- (iii) товар-моддий захираларни текшириш;
- (iv) назорат ҳисоблашларини бажариш;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандарти 500, Аудиторлик далиллари. <https://www.mf.uz>
2. Аренс Э.А Дж.К.Лоббек, Аудит, учебник, М.Финансы и статистика, 2001, 560 с.
3. Дўстмурадов Р.Д, Аудит асослари.Тошкент, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 613 б.
4. Робертсон Дж. Аудит . – М.: KPMG, Аудиторская фирма «Контакт», 1993. – 496 с.
5. Рой Додж. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Учебное пособие,М. Финансы и статистика, 1992, 240 с.
6. Суйц В.П. Аудит, Учебник, Издательство Инфра-М, Москва, 2001 г, 556 с.